

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚУРБАНИЯЗОВ РАШИД ҚАЛБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИ
АСОСИДА ФОСФОРЛИ ВА ОРГАНОМИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
11.00.05 - Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Қурбаниязов Рашид Қалбаевич

Қорақалпоғистон маҳаллий хомашё ресурслари асосида фосфорли ва органоминерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш..... 3

Қурбаниязов Рашид Қалбаевич

Разработка технологии получения фосфорсодержащих и органоминеральных удобрений на основе местных сырьевых ресурсов Каракалпакстана..... 29

Kurbaniyazov Rashid Kalbaevich

Development of technologies for obtaining phosphorus and organomineral fertilizers based on local raw materials of Karakalpakstan..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚУРБАНИЯЗОВ РАШИД ҚАЛБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИ
АСОСИДА ФОСФОРЛИ ВА ОРГАНОМИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
11.00.05 - Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.DSc/Т612 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институти ва Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Намазов Шафоат Саттарович

техника фанлари доктори, профессор, академик

Реймов Ахмед Мамбеткаримович

техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Султонов Баходир Элбекович

техника фанлари доктори, профессор

Пулатов Хайрулла Лутфуллаевич

кимё фанлари доктори, профессор

Нурмуродов Тулкин Исамуродович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2025-йил " 12 " феврал соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел. (+99871)262-56-60, факс (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 54 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел. (+99871)262-56-60, факс (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2025-йил « 20 » январ куни тарқатилди.

(2025-йил « 20 » январдаги № 54 рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Усанбаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф.

Ж.С. Шукуров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., проф.

Б.С. Закиров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалигида тўпроқларнинг ўнумдорлигини сақлаган ҳолда юқори ҳосилдорликга эришиш ва уни жадаллаштиришнинг асосий йўналишлардан бири, бу қишлоқ хўжалигини озуқа элементлари билан мунтазам таъминлаш ҳисобланади. Фосфорли ва органоминерал ўғитлардан фойдаланиш тупроқ унумдорлигини, экинлар ҳосилдорлигини ва сифатини оширишнинг энг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади. Органик чиқиндиларни қайта ишлаш орқали ўларни бартараф этиш, ҳозирги кундаги энг долзарб ва амалий аҳамиятга эга муаммолардан ҳисобланади. Бу борада паст навли фосфат хомашёси ва келиб чиқиши ўсимликга оид органик чиқиндилардан фойдаланишни таъминлайдиган самарали ва инновацион технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда фосфорли хомашёлар ва органик ресурсларни турли усулларда қайта ишлаш асосида фосфорли ва органоминерал ўғитларнинг янги турларини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан яхши техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган фосфорли ва органоминерал ўғитлар ишлаб чиқаришга паст навли фосфоритлар ва ўсимликлардан олинган органик чиқиндиларни жалб этиш; физиологик кислотали тузлар ёрдамида фосфат хомашёсини кимёвий ва механик-кимёвий фаоллаштириш; фосфат хом ашёсини сульфат ва фосфор кислотали фаоллаштириш; ўсимликлар чиқиндилари таркибидаги органик моддаларни гумин кислоталарига айлантириш учун қизилмия шротини водород пероксиди билан оксидлаш; фосфат хом ашёсини сульфат кислотаси билан фаоллаштириш маҳсулоти билан оксидланган шротни қайта ишлаш; фаоллаштирилган комплекс, оддий суперфосфат, аммофосфат ва органоминерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлар ва инновацион ишланмалар натижасида азотли, фосфорли, калийли, комплекс ва органоминерал ўғитлар ишлаб чиқаришда муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги стратегиясининг учинчи йўналишида “...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган саноат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, иқтисодиёт тармоқларида саноатнинг улушини ошириш, ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулоти ҳажмини 1,4 баробар ошириш...”¹ каби муҳим вазифалар қайд этилган. Бу борада Қорақалпоғистон Республикасидаги паст навли фосфоритлар ва Қизилмия илдизини қайта ишлаш чиқиндилари асосида фосфорли ва органоминерал ўғитлар ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022-2026 йилларда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60 сонли “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ва 2019-йил 23-октябрдаги ПФ-5853 сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 3-апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021-йил 13-февралдаги ПҚ-4992 сонли “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2023-йил 31-майдаги ПҚ-171-сонли “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа мейёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишнинг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” ва VII “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларга шарҳ².

Фосфат хомашёси ва ўсимликларга оид органик хомашёларни кимёвий фаоллаштириш йўли билан фосфорли ва органоминерал ўғитлар олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Scientific and Applied Processes Pty. Ltd, American Humates Inc, Florida Industrial and Phosphate Research Institute (АҚШ), Fertilizer Research Institute (Польша), Engineering Dobersek GmbH (Германия), University of Science and Technology (Хитой), Kogyo gidzyutsu intyo, Kamishimo Kagaku Kogyo Kabushiki Kaisha (Япония), Kessel und Waggonban (Австрия), Қаттиқ жисмлар кимёси ва механохимё институти, Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти (НИУИФ, Россия) Беларуссия кимё-технология институти (Беларус), Умумий ва ноорганик кимё институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда фосфат хомашёларини фаоллаштириш орқали фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган ва қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: зарбли, ишқалаб майдаловчи ва комбинацион таъсир этувчи қурилмаларни қўллаш билан фаоллаштиришнинг механохимёвий усули ишлаб чиқилган (Қаттиқ жисмлар кимёси ва механохимё институти, Россия); Колск апатит концентрати ва Қаратоғ

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий адабиётлар шарҳи: <https://fipr.floridapoly.edu/>, <https://www.iung.pulawy.pl/>, <https://www.dobersek.com/de/home/>, <https://en.ustc.edu.cn/>, <https://insight.rpxcorp.com/entity/>, <https://bgut.by/>, <https://www.niuif.ru/>, <http://ionx.uz> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

фосфорит унини фосфор кислотаси билан қайта ишлаш йўли билан таркибида 43% озукавий моддаларни ўз ичига олган аммофосфатли ўғитлар технологияси яратилган («Минудобрения» НПО, НИУИФ, Д.И.Менделеев номидаги МКТИ, Россия). Аммофосфат ишлаб чиқариш Қозоғистонда Қоратоғ фосфоритларидан Жамбул суперфосфат заводида, Туркменистонда Чарджоу кимё заводида, Россияда апатит концентратидан Балаково «Минудобрения» ИЧБда йўлга қўйилган; Франциялик ишбилармонлар томонидан заррачалар ўлчами 160 микронгача майдаланган Марокаш фосфат концентратидан оддий ва учламчи суперфосфатлар олиш технологияси ишлаб чиқилган (Research and Development Department of the Industrial Pole of OCP Group, Франция); ўсимликларга оид чиқиндиларни қайта ишлаш орқали органик ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган (California Organic Fertilizers, Inc, Инс, АҚШ); ўрмон хўжалиги чиқиндиларини биоферментация қилиш йўли билан органик ўғитларга қайта ишлашнинг жадаллашган технологияси ишлаб чиқилган (Мухандислик ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг экологик муаммолари институти, Россия).

Дунёда паст навли фосфат хомашёси ва ўсимликларга оид органик чиқиндиларини қайта ишлаш асосида фосфорли ва органоминерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича устувор йўналишларда қуйидаги қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: фосфат хомашёсини механохимёвий фаоллаштириш, паст навли, аммо реакцион қобилятга эга фосфоритларни сульфат- ва фосфоркислотали фаоллаштириб оддий суперфосфат ва аммофосфат ўғитларини олиш; глицирризин кислотаси ишлаб чиқариш чиқиндиси - қизилмия шроти ва желвакли фосфоритларни сульфат кислотали фаоллаштириш маҳсулотлари асосида гуминли оддий суперфосфат олиш технологияларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда фосфат хомашёсини оқимли, вибрацион, планетар, шарли тегирмонлар ва дезинтеграторларда механик, механохимёвий, термик, термохимёвий ва микробиологик фаоллаштириш усулларини қўллашга асосланган кенг маълумотлар мавжуд (Чайкина М.В., Аввакумов Е.Г., Бектуров А.Б., Минаковский А.Ф., Можейко Ф.Ф., Пермитина Г.В., Кочетков С.П., Ibrahim S.S., Естекова К.Ж., Паудерт Р., Беглов Б.М., Намазов Ш.С.). Ушбу тадқиқотларда фаоллаштириш жараёнларига турли хил кон фосфоритлари жалб этилган. Шунингдек камерали, камерали-оқимли ва оқимли усуллар ёрдамида оддий, бойитилган ҳамда қўшалок суперфосфатларни олиш технологиялари ишлаб чиқилган (Вольфович С., Позин М.Е., Кармышов В.Ф., Шапкин М.А., Завертяева Т.И., Казак В.Г.). М.Н. Набиев ва унинг илмий жамоаси томонидан Қоратоғ фосфорит унидан (Қозоғистон) камерали усулда оддий аммонийлашган суперфосфат олиш технологияси ишлаб чиқилган. Ушбу технологиядаги камерада олти кунлик пиширилиш, уч марта кураклаб аралаштириш, қимматбаҳо синтетик аммиакдан фойдаланиш каби камчиликларини бартараф этиш мақсадида оддий суперфосфат олиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, унинг моҳияти Қизилқум фосфоритларини икки босқичли қайта ишлашга асосланган (Намазов Ш.С., Раджабов Р., Отабоев

Х.А., Шерқўзиев Д.Ш., Сейтназаров А.Р.): 1) концентранган H_2SO_4 билан фосфат хомашёсини $120-130^\circ C$ да тўлиқ парчалаш (концентранган H_3PO_4 ва $CaSO_4$ ангидридини ҳосил қилиш); 2) кислотали фосфатли гипс массасини ўша хомашё билан нейтраллаш, $(Ca(H_2PO_4)_2)$ ҳосил қилиш ва маҳсулотни донадорлаш).

Дунёда органик ресурслардан органик ва органоминарал ўғитлар олиш ва уларнинг агрокимёвий самарадорлигини ўрганиш бўйича Захарченко И.Г., Попов А.И., Кухаренко Т.А., Христева Л.А., Орлов Д.С., Кононова М.М., Перминова И.В., Лиштван И.И., Круглицкий Н.Н., Назарова Н.И., Александрова Л.Н., Алешукин Л.В., Кулачкова А.Ф., Сапрыкин Ф.Я., Лаврентьева М.М., Логинов Л.Ф., Sauve S., Hendershot W.H, Allen H.E, Abramets A., Zhou D.M, Liu X.H. лар шуғулланишган. Ўзбекистонда гумус табиатли органик моддалар асосида гуминли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва гумус табиатли моддалардан гумусли органик ўғитлар, гуминли хоссаларга эга маҳсулотларнинг синтези билан А.Т.Таджиев, М.Н.Набиев, Б.М.Беглов, Д.Т.Забрамний, Н.И.Победоносцева, С.М.Таджиев, Н.Х.Усанбаевлар тадқиқотлар олиб борган.

Юқорида қайд этилган олимлар томонидан Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларини механокимёвий фаоллаштириш усуллари ўрганилмаган ва ушбу турдаги хомашёлар илгари аммофосфат олиш жараёнида ишлатилмаган. Оқимли усулда Қорақалпоқ желвакли фосфоритларидан оддий суперфосфат олиш бўйича систематик тадқиқотлар ва Қизилмия илдизи чиқиндиси - шрот ва Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларининг сульфат кислотали фаоллаштириш маҳсулоти асосида фосфор-гумус тутган ўғитлар олиш тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Ушбу диссертация ишида бажарилган тадқиқотлар Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларини ҳар хил усулда фаоллаштириш орқали мураккаб ўғитлар ва қизилмия шроти асосида органоминарал ўғитлар олишнинг технологияларини ишлаб чиқиш имконони берди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган муассасадаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Маҳаллий хомашёлар асосида бирламчи ва азот-, фосфор-, калий ва олтингугуртли минерал ва органоминарал ўғитлар олиш технологиясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусиги бюджет лойиҳаси (2021-2024 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон маҳаллий хомашё ресурслари асосида фосфорли ва органоминарал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларининг турли конларининг кимёвий ва минералогик таркиби, тузилиши ҳамда физик-механик хоссаларини ўрганиш;

фосфат хомашёсини азот ва калий тузлари ёрдамида кимёвий ва механокимёвий фаоллаштириш жараёнини олиб боришнинг асосий параметрларини аниқлаш;

аммофосфат ўғити олишда желвакли фосфоритлардан иккиламчи фосфат хомашёси сифатида фойдаланиш имкониятларини ўрганиш;

оддий суперфосфат олишда желвакли фосфоритларни сульфат кислотали фаоллаштириш жараёнининг мақбул технологик параметрларини (мейёри ва концентрацияси) аниқлаш;

боғловчи эритмалар миқдори ва концентрациясига боғлиқ ҳолда кукунсимон оддий суперфосфатни донадорлаш жараёнини яхшилаш;

рентгенографик ва сканерловчи электрон микроскопия таҳлиллари ёрдамида фаоллаштирилган мураккаб аралашмали ва аммофосфатли ўғитлар, оддий суперфосфат ўғитининг фазавий таркиби ва тузилишини аниқлаш;

қизилмия шротининг органик қисмини максимал даражада гумин кислоталарига ва физиологик фаол моддаларга айлантиришда водород пероксиди билан оксидлашнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

қизилмия шроти ва унинг оксидланиш маҳсулотларини ИҚ-спектроскопия ва хроматографик таҳлил усулларида ўрганиш;

оксидланган шрот ва фосфоритларни сульфат кислотали фаоллаштириш маҳсулоти асосида гуминли суперфосфат олиш жараёнини тадқиқ қилиш;

мураккаб аралашмали ва аммофосфатли ўғитлар, оддий ва гуминли суперфосфатлар ишлаб чиқаришнинг технологик схемаларини, моддий балансларини ва техник-иқтисодий ҳисобларини ишлаб чиқиш;

маҳсулотларнинг тажриба партияларини олиш ва таклиф этилаётган ўғитлар технологиясини апробациядан ўтказиш ҳамда уларни ёўза ўсимлигида агрокимёвий синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида желвакли фосфоритлар, нитратли ва калийли тузлар, сульфат ва экстракцион фосфор кислота (ЭФК), қизилмия илдизи чиқиндиси - шрот, мураккаб аралашмали ва аммофосфатли ўғитлар, аммиак, оддий ва гуминли суперфосфатлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети желвакли фосфоритларни азотли ва калийли тузлари иштирокида механокимёвий ва кислотали фаоллаштириш орқали оддий суперфосфат ва аммофосфат ўғитлари ҳамда водород пероксиди билан оксидланган қизилмия шроти ва нордон суперфосфат массаси асосида гуминли суперфосфат олиш технологик схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида кимёвий (фотоколориметрик, комплексонометрик, титриметрик, оғирлик) ва физик-кимёвий (рентгенографик, хроматографик, ИҚ-спектроскопик, сканерловчи электрон микроскопия, эксикаторли) таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоқ желвакли фосфоритлари асосан курсит (25%) ва франколит (27%) минералларидан иборат эканлиги ва шунинг ҳисобига ушбу фосфат хомашёсининг юқори реакцион қобилиятга эга эканлиги исботланган;

нисбий ўзлашувчан P_2O_5 миқдори юқори бўлган (80-90%) ва етарли доналар мустаҳкамликга (2-4 МПа) эга бўлган механик фаоллаштирилган

мураккаб аралашмали NP- ва NPK-ўғитларни олиш учун N:P₂O₅ ва N:P₂O₅:K₂O мақбул нисбатлари 1:0,5 ва 1:1:1 эканлиги аниқланган;

желвакли фосфоритларни ЭФК : ФМ = 100 : 25 нисбатда парчалаш учун экстракцион фосфат кислотасининг мақбул мейёри аниқланган ва ушбу жараёнда Б маркали аммофосфат ўғитига қўйилган талабларга жавоб берадиган маҳсулотлар олинган;

сулфат кислотасининг монокальцийфосфат ҳосил бўлиш учун стехиометрик ҳисобда мақбул мейёри 70-75% эканлиги, бунда оддий суперфосфат таркибида P₂O₅ нинг сувда эрувчан шаклининг нисбий миқдори 50% дан юқори бўлиши аниқланган;

товар фракцияси 90% дан кўп ва доналар мустаҳкамлиги 2 МПа дан юқори бўлган оддий суперфосфат олиш имконини берадиган боғловчи тузлар эритмаларининг мақбул миқдори ва концентрацияси аниқланган;

қизилмия шротини оксидлаш учун водород пероксидининг мақбул концентрацияси ва миқдори аниқланган ҳамда ушбу жараёнда экстрактив моддаларнинг чиқиш даражаси 10,86 мартага ортиши исботланган;

Қорақалпоқ желвакли фосфоритларини минерал тузлар, сулфат ва фосфат кислотали фаоллаштириш ҳамда қизилмия илдизи шротини қайта ишлаш асосида фаоллаштирилган мураккаб аралаш, аммофосфатли ўғитлар, оддий ва гуминли суперфосфатлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларини азотли ва калийли тузлар иштирокида механокимёвий фаоллаштириш орқали донадор комплекс ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон фосфоритларини сулфат кислотали фаоллаштириш йўли билан яхши физик-кимёвий хоссаларга эга донадорланган оддий суперфосфат олиш технологияси ишлаб чиқилган;

желвакли фосфоритларни фосфоркислотали қайта ишлаш асосида Б маркали аммофосфат сифатига жавоб берадиган азотфосфорли ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

қизилмия илдининг йирик тоннажли чиқиндиси – қизилмия шроти ҳажмини камайтириш имконини берувчи гуминли оддий суперфосфат олиш технологияси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган технологиялар “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ ва “ALBASE” МЧЖ қурилмаларида синовдан ўтказилиб, янги турдаги маҳсулотларнинг тажриба намуналари ишлаб чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари асосида олинган фосфорли ва органоминерал ўғитлар ва хомашёлар таркиби, хоссалари кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари, лаборатория тажрибалари, агрокимёвий ва саноат тажриба синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларига азотли ва калийли тузлар иштирокида механик таъсир эттириш орқали ўларнинг эрувчанлигини ошириш хусусиятлари аниқланганлиги, аммиакли ва ишқорий тузларнинг боғловчи эритмалари

қўшилган донадорланган оддий суперфосфат олиш жараёнларининг илмий асослари яратилганлиги ҳамда желвакли фосфоритларни фосфор кислотали парчалаш орқали аммофосфат ўғити, қизилмия илдизи шроти ва желвакли фосфоритлар асосида гуминли оддий суперфосфат олишнинг илмий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти донадорланган комплекс ва аммофосфатли ўғитлар, оддий ва гуминли суперфосфат ишлаб чиқаришга паст навли фосфоритларни жалб қилиш имкониятини яратади ва жараёнда глицирризин кислотаси ишлаб чиқаришнинг йирик тоннажли чиқиндиси - қизилмия шроти утилизация қилинади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар маҳаллий ўғит сифатида ишлатилади ва улар фосфорли ва органоминерал ўғитларга бўлган эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон маҳаллий хомашё ресурслари (желвакли фосфоритлар, қизилмия шроти) асосида фосфорли ва органоминерал ўғитлар технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларини механохимёвий фаоллаштириш асосида донадор комплекс ва аммофосфатли ўғитлар олиш технологияси ALBASE" МЧЖнинг "2025-2027-йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати"га киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2024-йил 11-майдаги 02-04/9-05/1407-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий қўллашга мўлжалланган янги турдаги фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришга паст навли фосфоритларни жалб қилиш имконини берган;

Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларини сульфат кислотали фаоллаштириш йўли билан фаоллаштирилган ва донадорланган суперфосфат олиш технологияси "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖнинг "2026-2027-йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати"га киритилган ("Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖнинг 2024-йил 28-августдаги 02-371-сон маълумотномаси). Натижада кузги шудгорлашда самарали ҳисобланган бирламчи фосфорли ўғитлар олиш имконияти яратилган;

Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларидан олинган кукунсимон оддий суперфосфат массасини аммиакли тузларнинг боғловчи эритмалари ёрдамида донадорлаш технологияси "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖнинг "2026-2027-йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати"га киритилган ("Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖнинг 2024-йил 28-августдаги 02-371-сон маълумотномаси). Натижада товар фракцияси 90% дан кам бўлмаган ва доналар мустаҳкамлиги 2 МПа дан юқори бўлган маҳсулотлар олиш имконини берган;

Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларини сульфат кислотали фаоллаштириш маҳсулоти ва оксидланган шрот асосида гуминли оддий суперфосфат олиш технологияси "ALBASE" МЧЖнинг "2025-2027-йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалари рўйхати"га киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2024-

йил 11-майдаги 02-04/9-05/1407-сон маълумотномаси). Натижада, йирик тоннажли чиқинди - қизилмия илдизи шротини утилизация қилиш ва ғўза ҳосилдорлигини назорат вариантга нисбатан 20% га оширишни таъминлайдиган янги турдаги ОМЎ олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг элон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар (DSc) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 8 таси хорижий ва 8 таси республика илмий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Фосфат хомашёси ва ўсимлик моддаларини фаоллаштириш асосида фосфорли ва органоминерал ўғитлар”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда жаҳон миқёсида фосфат хомашёсига талаб ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда захираси тўғрисида маълумотлар келтирилган. Дунё миқёсида, жумладан Ўзбекистонда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича маълумотлар мавжуд. Марказий Қизилқум фосфоритларининг тавсифи берилган ва уларни термик бойитишга муқобил усуллар тавсифланган. Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларининг хусусиятлари, уларнинг Қизилқум фосфоритларига муқобил сифатида ишлатилиши мумкинлиги келтирилган. Фосфат хомашёсини фосфорли ўғитларга механик ва механохимёвий фаоллаштириш усуллари таҳлил қилинган. Оддий суперфосфат ва аммофосфатли ўғитлар олишнинг мавжуд усуллари баён этилган. Ўсимлик ресурслари ва чиқиндилари ҳамда агрономик рудалар асосида органик ва органоминерал ўғитлар олиш бўйича маълумотлар шарҳланган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижаларига асосланиб тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида Қорақалпоғистон желвакли фосфоритлари,

Қорақалпоғистон минтақаси қизилмия илдизи чиқиндиси - шрот намуналарининг тавсифи баён этилган. Дастлабки хомашё ва тайёр маҳсулотларни ўрганишда кимёвий таҳлил ва физик-кимёвий тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

1-жадвалда Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларининг кимёвий таркиблари келтирилган. Кимёвий таҳлил натижалари асосида фосфат хомашёсининг минералогик таркиби ҳисобланди (2-жадвал).

1-жадвал

Қорақалпоғистон фосфоритларининг кимёвий таркиби

Компонентлар, %	Компонентлар мазмуни, оғир. %				
	Хўжақўл (1-намуна)	Хўжақўл (2- намуна)	Хўжақўл (3- намуна)	Порлитау	Назархан
P ₂ O ₅	19,11	15,97	14,75	15,76	11,93
CaO	32,83	28,22	26,73	27,19	26,12
Fe ₂ O ₃	3,50	3,42	2,47	2,66	5,03
Al ₂ O ₃	1,54	1,29	1,09	1,03	2,47
MgO	0,30	1,42	0,89	1,57	1,05
CO ₂	4,03	5,31	4,76	4,10	4,90
F	1,58	1,61	1,58	1,88	1,74
SO ₃	1,10	1,09	0,90	1,30	1,21
SiO ₂	28,0	35,71	41,17	38,77	37,38
э.қ.	2,62	0,40	2,62	0,74	2,17

2-жадвал

Қорақалпоғистон фосфоритларининг минералогик таркиби

Минералларнинг номи	Миқдори, оғир. %				
	Хўжақўл (1-намуна)	Хўжақўл (2- намуна)	Хўжақўл (3- намуна)	Порлитау	Назархон
франколит	27,09	22,37	20,66	-	15,70
курскит	25,89	22,16	20,47	45,62	17,19
магнезит	0,69	2,64	1,50	2,86	0,96
калсит	3,05	4,42	4,85	0,36	5,23
гипс	1,15	1,63	1,93	2,79	2,77
лимонит	1,99	2,19	2,19	2,41	2,63
гетит	0,55	0,87	0,50	0,55	0,58
глауконит	3,61	1,80	1,80	-	3,20
дала шпати	0,82	4,57	-	5,24	5,46
слюда	2,66	-	1,92	0,02	1,76
кварц	28,0	35,71	41,17	38,77	39,43
э.қ.	1,64	0,4	2,62	0,74	2,91

Ушбу фосфоритлар желвакли турларга мансублиги, уларнинг асосий фосфат минераллари курскит ва франколит бўлиб, деярли тенг миқдорда эканлиги аниқланди, таркибида фақат курскит хомашёси бўлган Порлитау кони фосфоритлари бундан мустасно (2-жадвал).

Хўжақўл фосфоритлари энг кўп фосфат минералига эга (1-нам.) - 52,98%, энг кичиги эса Назархон фосфорити - 32,89%. Фосфоритларнинг дисперсли таркиби шуни кўрсатадики, хомашёнинг деярли ярми (45-50%) (-5+3) - (-2+1) мм йириклик синфига тўғри келади, (-0,5+0,25) - (-0,25+0,16)

мм йириклик синфи эса 30-35% ни ташкил қилади. Қўллашдан олдин уларнинг заррачалар ўлчами <0,25 мм гача майдаланади.

Тадқиқотнинг яна бир объекти сифатида органоминерал ўғит - гуминли суперфосфат олиш учун қизилмия илдизи шроти - "LANEXТРАКТ" МЧЖ ҚҚ (Чимбой ш.) ишлаб чиқариш корхонаси чиқиндиси олинган. Шрот ҳавода қуруқ ҳолатга келгунча қуритилди, сўнгра заррачалар ўлчами <0,25 мм гача майдаланди.

Дастлабки шротни таҳлил қилиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Дастлабки қизилмия шротининг кимёвий таркиби

№	Компонентлар номи	Миқдори, %
1	Намлик	5,41
2	Кул миқдори	4,66
3	NaOH нинг 1% ли эритмаси билан ажратиб олинган экстрактив моддалар миқдори	5,87
4	Сув билан ажратиб олинган экстрактив моддалар миқдори	15,78
5	Эримайдиган органик моддалар	68,28

Қизилмия шроти таркибида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган бир қатор микроэлементлар мавжуд. Уни оксидлаш учун "Навоиазот" АЖда ишлаб чиқарилган водород пероксиди ишлатилган.

Хомашё материаллари ва тайёр маҳсулотлар таркибидаги турли компонентларнинг кимёвий таҳлил қилинди. Физик-кимёвий тадқиқотлар учун рентгенографик, хроматографик, ИҚ-спектроскопик, сканерловчи электрон микроскопия, эксикаторли таҳлил усуллари қўлланилган.

Диссертациянинг **“Қорақалпоқ желвакли фосфоритларини минерал тузлар ёрдамида фаоллаштириш”** деб номланган учинчи боби фосфат хомашёсини азотли ва калийли тузлар иштирокида кимёвий ва механокимёвий фаоллаштириш жараёнини ўрганишга бағишланган.

Фосфоритни механокимёвий фаоллаштириш. Фосфоритни $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ нинг 25-40% ли эритмалари билан донадорлаш усули (унинг заррачаларига механик таъсир кўрсатмасдан) товар фракцияларини (86,35-94,57%) ва етарли доналар мустаҳкамлигини (1,95-2,85 МПа) таъминласа ҳам, P_2O_5 нинг ўзлашувчан шаклини атиги 1,11-1,26 марта ошириши аниқланди.

Шунинг учун биз қуруқ фосфорит (1-намуна) ва аммоний сульфати ва нитрати, калий хлоридидан иборат аралашмани механокимёвий фаоллаштириш (30 дақиқа давомида механик ишқалаш) ва кейинчалик сув билан намлаш (15-20% H_2O), донадорлаш ва қуритиш билан амалга оширилди. Бунда донадор шаклдаги нам зарралар ҳосил бўлди ва ўлар 100°C да қуритилди.

Қишлоқ хўжалигида $\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5$ нисбати 1:0,5; 1:0,7 ва 1:1 бўлган NP-ўғитлар кенг қўлланилади. Бизда ушбу кўрсаткич $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$ 6,71%, $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}}$: $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$ = 93,44%, N - 13,68%; $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$, 8,81%, $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}}$: $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$ = 92,05%, N - 11,98% ва $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$, 10,55%, $\text{P}_2\text{O}_{5\text{усв.}}$: $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$ = 91,09%, N - 10,1% га тенг.

Аммоний нитрати учун N : P₂O₅ нисбатлари 1 : 0,3 дан 1 : 1 гача бўлганда P₂O₅ нинг нисбий ўзлашувчан шакли 90,28 дан 93,31% гача ошади. Ўғитлар таркиби (оғир. %): N - 12,12-22,03; P₂O₅умум. - 6,73-12,14; P₂O₅ўзл. - 6,28-10,96. Олинган аралашмалар самарали азот-фосфорли ўғитлар ҳисобланади.

KCl ишлатилганда P₂O₅ : K₂O = 1 : 0,5-2,0 нисбатда таркибида 8,13-23,34% K₂O, 11,67-16,40% P₂O₅умум. ва P₂O₅ўзл. : P₂O₅умум. = 80,49-91,60% бўлади. Бундай РК-ўғитлар шудгор остига солиш учун жуда самарали ҳисобланади.

Маълумки, Европа Иттифоқи мамлакатларида комплекс ўғитлар таркибида азотнинг минимал миқдори 3%, P₂O₅ ва K₂O эса 5% бўлиши, бунда умумий озуқа компонентлари 20% дан кам бўлмаслиги керак. Шуни ҳисобга олган ҳолда N : P₂O₅ : K₂O = 1 : 1 : 1 бўлган аралашмалар тайёрланди. Улар ишқаланиб, сўнгра зарур миқдордаги сув (12-15% H₂O) иштирокида жадал аралаштириш усули билан донадорланди. Олинган доналар 100°C да қуритилди ва кейинчалик кимёвий таҳлил қилинди.

4-жадвал

Хўжақўл фосфорит уни азот ва калий тузлари иштирокида механохимёвий фаоллаштириш орқали олинган NPK-ўғитлар таркиби

N:P ₂ O ₅ :K ₂ O нисбати	Маҳсулотларнинг кимёвий таркиби, оғирлик. %					P ₂ O ₅ ўзл. : P ₂ O ₅ умум.
	N	P ₂ O ₅ умум.	K ₂ O	P ₂ O ₅ ўзл.	CaOумум.	
(NH ₄) ₂ SO ₄ + фосфорит + KCl						
1:1:1	8,25	8,92	8,21	8,09	15,38	90,69
NH ₄ NO ₃ + фосфорит + KCl						
1:1:1	9,69	10,54	9,70	9,68	18,11	91,84


Фосфат хомашёсини N : P₂O₅ : K₂O = 1 : 1 : 1 нисбатда калий хлориди билан азотли тузлар аралашмаси иштирокида механохимёвий фаоллаштиришда (NH₄)₂SO₄ қўлланилганда P₂O₅ нинг ўзлашувчан шакли 91,84% гача, NH₄NO₃ қўлланилганда эса 90,69% гача ошади.

Озуқа компонентлари (NPK) миқдори биринчи намунада 25,38%, иккинчисиди 29,93% ни ташкил этади. Барча NP- ва NPK-ўғит намуналари доналарининг мустаҳкамлиги 2 МПа дан юқори бўлади.

Худди шундай ҳолат бошқа намунадаги фосфоритларда ҳам кузатилди, лекин нисбатан паст кўрсаткичлар билан.

Тадқиқот натижалари донадорланган мураккаб аралашмалари ўғитлар ишлаб чиқаришнинг моддий балансини ҳисоблаш, принципиал технологик схемаси (1-расм) ва оптимал технологик режимини таклиф қилиш имконини берди.

Хўжақўл фосфорит уни, аммоний нитрати ва калий хлориди; Хўжақўл фосфорит уни, аммоний сульфати ва калий хлоридидан олинган маҳсулотларда (P₂O₅ миқдори ҳисобида) 1 т озуқавий компонентлар йиғиндисининг (N + P₂O₅ўзл.+K₂O) таннарни 4 993 867 ва 6 193 099 сўмни ташкил этиб, стандарт ўғит аралашмаларига (аммофос, аммоний нитрат ва калий хлорид; аммофос, аммоний сульфат ва калий хлорид) нисбатан мос равишда 28% ва 21% га арзон бўлади.



1-расм. Донадорланган мураккаб комплекс ўғитлар ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси:

1, 2 - бункер; 3, 4 - дозаторлар; 5 – тезлик даражасини ўзгартирувчи қурилма; 6 - дезинтегратор; 7 - икки валли турболопасти аралаштиргич; 8, 18, 22 - ковшли элеваторлар; 9 - ағдарма барабан; 10 - пневматик форсунка; 11, 13 - насослар; 12 - аралаштиргичли АБЖ йиғувчи; 14 - аралаштиргичли зичловчи бак; 15 - абсорбер; 16-пулгагич; 17, 31 - вентиляторлар; 19 - қуриши барабани; 20 - ўтхона-горелка қурилмаси; 21 - вентилятор; 23 - вибрацион грохот; 24 - чўктирувчи қирғичли конвейер; 25 - майдалагич; 26 - лентали конвейер; 27 - СН-15 циклони; 28 - шлюзли таъминлагич; 29 - батарея типдаги рукавли филтр; 30 - шнекли таъминлагич.


Фосфоритларни кимёвий фаоллаштириш. Хўжакўл фосфоритлари 70°C да аммоний нитратининг 70 ва 85% ли эритмалари ва 140°C да карбамид суюқланмаси билан кимёвий фаоллаштирилди. NH₄NO₃ дан олинган маҳсулотлар жадал аралаштириш усулида, CO(NH₂)₂ дан олинган маҳсулотлар эса сепиш усулида донадорланди.

Активаторнинг табиатига ва N : P₂O₅ нисбатига (1:0,1 дан 0,7 гача) боғлиқ ҳолда P₂O₅ фаоллаштирилган маҳсулотлар : P₂O₅умум. дастлабки фосфорит унidan 37,78% дан 79,87-93,78% гача ортади; 82,35-94,37% ва 66,79-85,31%, 70; 80%- NH₄NO₃ эритмаси ва CO(NH₂)₂ суюқланмасидан иборат. N : P₂O₅ нисбатига боғлиқ равишда донлар мустаҳкамлиги мос равишда 70 ва 85%-ли NH₄NO₃ эритмаси учун 3,69-6,89 ва 4,23-8,03 МПа ни, карбамид суюқланмаси учун бу кўрсаткич 3,89-10,24 МПа ни ташкил этади.

Худди шундай кўрсаткичлар Қорақалпоғистоннинг бошқа турдаги желвакли фосфоритларида ҳам кузатилади.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларини сульфат кислотали фаоллаштириш йўли билан донадорланган оддий суперфосфат олиш”** деб номланган тўртинчи бобида сифати яхшиланган фаоллаштирилган оддий суперфосфат олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Таҳлилий маълумотлар асосида фосфат хомашёсининг минералогик таркибини ва кўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда сульфат кислотасининг меъйёри ҳисобланди. Оддий суперфосфат ишлаб чиқаришнинг асоси фосфат хом ашёсини сульфат кислота билан парчалаш жараёни ҳисобланади, уни қуйидаги умумий реакция тенгламаси билан ифодалаш мумкин:



Лаборатория шароитида 75% меъйёрда H₂SO₄ концентрациясининг таъсири ўрганилди. 70 °С да компонентларнинг таъсирлашув давомийлиги 30 дақиқа. Олинган масса 90-100 °С да қуритилди. Маҳсулотни донадорлаш ва қуритиш жараёни тезкор аралаштириш ва ағдариш усули билан амалга оширилди. 5-жадвалда кислотанинг стехиометрик мейёри 75% ва сульфат кислота концентрациясига боғлиқ ҳолда олинган оддий суперфосфат намуналарининг кимёвий таркиби келтирилган.

5-жадвал

Сульфат кислота концентрациясига боғлиқ ҳолда маҳсулотлар таркиби

Компонентлар миқдори, оғирлик. %	Сульфат кислотаси концентрацияси, %		
	68	80	93
P ₂ O ₅ умум.	13,34	13,76	14,31
P ₂ O ₅ эркин	1,14	1,42	2,95
CaO _{умум.}	22,92	23,64	24,58
P ₂ O ₅ ўзл.: P ₂ O ₅ умум.	91,82	97,74	98,46
P ₂ O ₅ суб.: P ₂ O ₅ умум.	58,92	59,73	65,62
CaO ₅ ўзл.: CaO _{умум.} ,	68,58	68,95	68,96

Бундан кўринадики, кислота концентрацияси 68 дан 93% гача ортиши билан фосфорит (ФМ) учун маҳсулотларда P₂O₅умум. миқдори 13,34% дан 14,31% гача ортади, P₂O₅ўзл. P₂O₅умум. 91,83 дан 98,46% гача, P₂O₅суб. P₂O₅умум.

58,92 дан 65,62% гача. Бунда $P_2O_{5\text{эркин}}$ 1,14-2,95% оралигида бўлади. Ушбу маҳсулотлар қишлоқ хўжалигида қўллаш учун яроқли ҳисобланади.

ФМ ни қайта ишлаш учун H_2SO_4 нинг мақбул концентрациясини 93% деб ҳисоблаш мумкин, чунки бунда хамирсимон, осон донадорланувчи суперфосфат массаси ҳосил бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу маҳсулотларда етарли даражада донадорлик даражасини (1-5 мм 50% дан кам, 90% дан кам бўлмаслиги керак) ва доналар мустаҳкамлигини (≥ 1 МПа, 2 МПа дан кам бўлмаслиги керак) таъминланмаган. Оддий суперфосфат доналарининг хоссаларини яхшилаш учун кукунни жадал аралаштириш жараёни маълум миқдордаги иссиқ сув ($60-70^\circ C$) билан пуркаш орқали амалга оширилди. Бунда берилаётган сув миқдори кислота мейёрига боғлиқ равишда 100г маҳсулотга нисбатан 3 дан 20% гача H_2O да олиб борилди.

6-жадвалда 93%-ли H_2SO_4 мейёрига боғлиқ ҳолда олинган ва қуритилган донадорланган оддий суперфосфат ўғитининг таркиби келтирилган.

6-жадвал

Сув иштирокида донадорланган суперфосфат ўғитларининг таркиби (парчаланиш вақти - 30 дақиқа, H_2SO_4 концентрацияси - 93,0%)

Асосий компонентлар миқдори, %	Сулфат кислотаси мейёри, %				
	50	60	70	75	80
	(м) H_2O /м (суперфосфат кукунни), %				
	20	15	8	6	3
$P_2O_{5\text{умум}}$	15,63	14,91	14,28	14,05	13,87
$P_2O_{5\text{эркин}}$	-	0,48	1,11	1,56	2,38
$CaO_{\text{умум}}$	26,86	25,58	24,50	24,14	23,83
$P_2O_{5\text{ўзл.}} : P_2O_{5\text{умум}}$	54,70	66,93	90,05	95,73	95,96
$P_2O_{5\text{сув.}} : P_2O_{5\text{умум}}$	30,90	46,68	56,72	63,48	69,71
$CaO_{5\text{ўзл.}} : CaO_{\text{умум}}$	42,03	51,87	66,98	71,54	78,09
Доналар мустаҳкамлиги, МПа	3,53	4,32	3,90	3,50	2,70

Шу билан бирга, доналарнинг маҳсулдор массаси +3+2 мм ўлчамли заррачаларда: 50% ли кислота мейёри учун 87,52%; 60% ли кислота мейёри учун 82,48%; 70% ли кислота мейёри учун 88,22%; 75% ли кислота мейёри учун 95,62% ва 80% ли кислота мейёри учун 95,42%.

Кўрсатилган H_2SO_4 - 70-75% мақбул мейёрларида фаоллаштирилган оддий суперфосфатнинг донадорланган намуналари қуйидагича таркибга эга бўлади: $P_2O_{5\text{эркин}}$ - 1,11-1,56%; $P_2O_{5\text{умум}}$ - 14,05-14,28%; $CaO_{\text{умум}}$ - 24,14-24,50%. Бунда $P_2O_{5\text{ўзл.}} : P_2O_{5\text{умум}}$ = 90,05-95,73% ва $P_2O_{5\text{сув.}} : P_2O_{5\text{умум}}$ = 56,72-63,48%; $CaO_{5\text{ўзл.}} : CaO_{\text{умум}}$ = 66,98-71,54%. Доналар мустаҳкамлиги 2,70-3,53 МПа.

Оддий суперфосфат ўғитининг элемент таркиби: 48,26% O, 6,48% P, 15,31% Ca, 1,06% Al, 1,94% Fe, 15,64% Si, 0,15% F, 0,98% Mg, 0,20% C, 0,78% Na, 0,92% K ва бошқалар бўлади.

Фосфоритнинг бошқа намуналари ишлатилганда ҳам худди шундай натижалар олинди, лекин нисбатан паст кўрсаткичлар билан.

Фаоллаштирилган суперфосфат таркиби моно- ва дикальцийфосфат, ярим ва кальций сульфати дигидрати ва фаоллаштирилган фторкарбонатапатитдан ташкил топган.

Нисбатан юқори кислоталилик, $pH=3,0$ қийматда ишқорий тупроқларимиз учун ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, нордон суперфосфат массаси РК- ва НРК-ўғитлар олишда оралиқ маҳсулот сифатида ҳам амалий аҳамиятга эга.

Лаборатория тажрибалари асосида камерада ва омборда пишириш, синтетик аммиакдан фойдаланиш каби босқичлар бўлмайдиган донадорланган оддий суперфосфат ишлаб чиқаришнинг моддий баланси ҳисобланди ва технологик схемаси ишлаб чиқилди (2-расм).

1 т 100% ли P_2O_5 ҳисобида оддий суперфосфат ишлаб чиқариш учун 5,23 т Хўжақўл ФМ (1-намуна) ва 2,3 т $H_2SO_{4MНГ}$ керак бўлади. Агар Қизилқум фосфорити ва ЮКК-26 асосидаги 1 тонна оддий суперфосфатнинг таннархи 669 530 ва 1 045 934 сўмни ташкил этса, Хўжақўл фосфорит ундан олинадиган 1 тонна шунга ўхшаш маҳсулотнинг таннархи 516 241 сўмни ташкил этади, бу мос равишда 1,3 ва 2,0 баробар арзон ҳисобланади.

Оддий суперфосфатдаги 1 тонна 100% P_2O_5 нинг таннархи эса мос равишда 27 ва 36% га арзондир. Ишлаб чиқилган технология "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ да синовдан ўтказилиб, маҳсулотнинг тажриба партияси ишлаб чиқарилган.

Оддий суперфосфат ҳосилнинг пишиб етилишишига ижобий таъсир кўрсатиб, назоратдаги ғўза хом ашёси миқдорини барқарор равишда 2,3% га кўпайтирди. Пахта ҳосили миқдори 130,53 г/ўсимлик ни ташкил этади.


Диссертациянинг **"Желвакли фосфорит унини аммофосфат ишлаб чиқаришда иккиламчи фосфат хом ашёси сифатида қўллаш"** деб номланган бешинчи бобида Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларини концентрланган азотфосфорли ўғит - аммофосфат ишлаб чиқаришда иккиламчи фосфат хом ашёси сифатида қўллаш имкониятлари ўрганилган.

Кислотали реагент сифатида экстракцион фосфор кислота (ЭФК) ишлатилган. Унинг таркиби, оғир. %: 14,65 P_2O_5 , 1,33 SO_3 , 0,43 CaO , 0,57 MgO , 0,23 Fe_2O_3 , 0,26 Al_2O_3 , 0,73 F, $\rho = 1,20$ г/см³. ЭФК "Аммофос-Максам" АЖ да ЮКК-26 ни сульфат кислотали экстракциялаш йўли билан дигидрат режимда ишлаб чиқарилади.

Турли конларнинг фосфоритларини ЭФК билан 65 °С ҳароратда парчалаш жараёни ўтказилди. ЭФК: ФМ масса нисбати 100 : (5-30) оралиғида танланди. Фосфат хом ашёсини жараёнга киритиш тугаган вақтдан бошлаб парчаланиш жараёни давомийлиги 45 дақиқани ташкил этади.

ЭФК : ФМ масса нисбати ва ҳароратга боғлиқ ҳолда нордон фосфат бўтқаларнинг зичлиги ва қовушқоқлиги ўрганилди. Нордон фосфат бўтқаларининг зичлиги пикнометрик усулда, кинематик қовушқоқлиги эса ВПЖ-1 капилляр вискозиметрида 20-90 °С ҳарорат оралиғида ўлчанди.

ЭФК : ФМ нисбатлари ва ҳароратнинг ўрганилаётган оралиқларида фосфат кислотали бўтқанинг зичлиги ва қовушқоқлиги 1,1698-1,370 г/см³ ва



2-расм. Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларидан оддий донадорланган суперфосфат ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси:

1 - фосфорит бункери; 2, 19-а - шлюзли таъминлагич; 3 - ўлчов дозатори. 4 - H_2SO_4 учун сақлагич; 5, 11, 22, 23 - марказдан қочма насос; 6 – босим остидаги бак; 7 - индукцион сарф ўлчагич; 8 - турбопарракли аралаштиргич; 9, 20 - абсорбцион суюқлик йиғувчи; 10, 21 - аралаштиргич; 12 - донадорловчи барабан; 13 - абсорбцион суюқликнинг сарф ўлчагичи; 14 - коллектор форсункаси; 15 - цилиндрик скруббер; 16 - пурковчи форсунка; 17, 27 - вентилятор; 18 - чиқариш қувири; 19 - тозалаш учун циклон; 24, 28- вертикал элеватор; 25 - қуритиш барабани; 26 - ёқилғи-горелка қурилмаси; 29 - икки ёқлама инерцион грохот; 30 - майдалагич; 31 - лентали конвейер; 22 - барометрик бак; 33 - қирғичли конвейер.

1,52-7,08 сПз ни ташкил этиши аниқланди. Бундан уларнинг юқори оқувчанликка эга эканлигини кўриш мумкин.

Тайёр маҳсулот - аммофосфат ўғитини олиш мақсадида ушбу фосфат кислотали бўтқалар махсус реакторда аммиак билан $pH = 4,0-4,5$ қийматларгача жадал аралаштириб нейтралланди. Бунда аммофосфат бўтқаларининг реологик хусусиятлари ўрганилди.

Ҳар иккала турдаги фосфат хом ашёси учун энг юқори зичлик (1,3765 г/см³) ва қовушқоқлик (45,76 сПз) қийматлари ЭФК : ФМ = 100 : 30 нисбатда ва 20°С ҳароратда кузатилди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам аммофосфат бўтқасининг барча намуналари ҳам зичлиги, ҳам қовушқоқлиги бўйича қоникорли кўрсаткичларга эга бўлиб, бу уни қувурлар орқали барабан-гранулятор-қуритгичга осонгина етказиш имконини беради.

Кейинчалик аммофосфат бўтқалари 100°С да қуритилди, донадорлаш жараёни эса жадал аралаштириш ва қуритиш усули билан амалга оширилди. Маҳсулотлар таркиби 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Қорақалпоқ фосфорит унини фосфоркислотали қайта ишлаш асосида олинган аммофосфат ўғитининг таркиби

Компонентлар миқдори, %	ЭФК:ФМ масса нисбати					
	100 : 5	100 : 10	100 : 15	100 : 20	100 : 25	100 : 30
Хўжақўл фосфорит унидан фойдаланилганда						
N	7,86	6,51	5,28	4,53	4,20	4,01
P ₂ O ₅ умум.	42,57	40,41	38,08	35,42	34,72	34,51
P ₂ O ₅ ўзл.	42,01	39,42	36,88	33,91	32,78	32,09
P ₂ O ₅ сув.	41,11	35,29	32,46	28,92	27,47	23,24
СаО _{умум.}	6,81	9,61	12,41	13,11	15,91	16,96
СаО _{ўзл.}	6,71	9,33	11,98	12,49	14,99	15,78
СаО _{сув.}	5,17	7,14	8,82	9,04	9,94	10,22
Доналар мустаҳкамлиги, МПа	4,96	5,98	6,84	6,97	7,69	7,96

Хўжақўл фосфат хомашёси сарфини ва маҳсулотлардаги умумий, ўзлашувчан ва сувда эрувчан шаклдаги фосфор миқдорини ҳисобга олган ҳолда, ЭФК : ФМ нинг мақбул нисбати 100:20 ва 100:25 деб ҳисоблаш мумкин, бунда куйидаги таркибдаги маҳсулотлар олинад: биринчи 4,53% N, 35,42% P₂O₅умум., 13,11% СаО_{умум.}, P₂O₅ўзл. : P₂O₅умум. = 95,73%, P₂O₅сув. : P₂O₅общ. = 81,65%, СаО_{ўзл.} : СаО_{умум.} = 95,27%, СаО_{сув.} : СаО_{умум.} = 68,95% доналар мустаҳкамлиги 6,97 МПа ва иккинчи 4,20% N, 34,72% P₂O₅общ., 15,91% СаО_{умум.}, P₂O₅ўзл. : P₂O₅умум. = 94,41%, P₂O₅сув. : P₂O₅умум. = 79,12%, СаО_{ўзл.} : СаО_{умум.} = 94,22%, СаО_{сув.} : СаО_{умум.} = 62,47% доналар мустаҳкамлиги 7,69 МПа. Хўжақўл кони маҳсулотларининг товар фракцияси (-5+1 мм) 95,51-97,82% ни ташкил этади.

Олинган маҳсулотлар таркиби ва физик-кимёвий хоссалари бўйича ТШ 113-08-552-84 (Б маркали аммофосфат) талабларига жавоб беради.

Маҳсулотлар таркиби аммоний дигидро- ва гидрофосфат, моно- ва дикальцийфосфат, кремний оксиди, тўлиқ парчаланмаган, аммо

фаоллаштирилган фторкарбонатапатит, уч валентли металлнинг комплекс тузларидан иборат. Уларнинг гигроскопик нуқтаси - 78-82% ни ташкил этади ва бизнинг минтақамиз учун ўртача йиллик нисбий ҳаво намлиги 60% га, максимал ўртача ойлик намлик эса 74% га тенг бўлишини ҳисобга олсак, ўлар йил давомида деярли намлик ютмайди.

Фосфоритнинг бошқа турдаги намуналари учун ҳам шунга ўхшаш натижалар олинган, аммо нисбатан паст кўрсаткичлар билан.

3-расмда ЭФК ва Б маркали аммофосфат ишлаб чиқариш технологиясининг барча асосий босқичларини ўз ичига олган аммофосфат ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси келтирилган. Бу куйидаги босқичлар билан боради:

- ЮКК-26 нинг сульфат кислотали парчаланиши ва калций сульфатнинг кристалланиши;

- жараённинг ортиқча иссиқлигини олиб ташлаш (фосфоркислотали гипс бўтқани - ФКГП совутиш);

- ФКГПни филтрлаш ва фосфогипс чўкмасини ювиш;

- экстрактордан чиқаётган газларни тозалаш.

- P_2O_5 миқдори кам бўлган фосфоритни (15-20% P_2O_5) ортиқча ЭФК таъсирида парчалаш;

- нордон фосфат бўтқасини аммиак билан нейтраллаш;

- маҳсулотни қуритиш ва донадорлаш;

- газларни тозалаш;

- донадорланган маҳсулотларни синфлаш.


Хўжакўл ва Порлитау фосфорит унидан фойдаланган ҳолда аммофосфат ўғити учун 1 тонна 100% P_2O_5 олишнинг моддий баланси ҳисобланди.

Ишлаб чиқилган аммофосфат ўғитини олиш технологияси "ALBASE" МЧЖ тажриба қурилмасида тажриба синовдан ўтказилди.

Хўжакўл фосфорит уни ва ЮКК-26 дан олинган ЭФК асосида таклиф этилаётган аммофосфатдаги 1 тонна 100%-ли P_2O_5 таннархи ЮКК-26 дан олинган аммофос таннархига нисбатан 1 557 075 сўмга (16,5%) арзон. Агрокимёвий синов натижалари пахта хом ашёси ҳосилдорлиги назорат вариантыга нисбатан 7% га ошганлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **"Қизилмия илдининг оксидланган шроти ва Қорақалпоқ фосфорит унини сульфат кислотали фаоллаштириш маҳсулоти асосида олинган органик ва органоминерал ўғитлар"** деб номланган олтинчи бобида Қорақалпоғистон минтақаси қизилмия илдици чиқиндисини - шротни водород пероксиди билан оксидлаб, ундаги органик моддаларни гумин кислотага айлантириш ва кейинчалик Қорақалпоғистон желвакли фосфоритларини сульфат кислотали фаоллаштириш маҳсулоти ва оксидланган шрот асосида гуминли суперфосфат ўғити олиш жараёни ўрганилган.

Қизилмия шроти таркиби 3-жадвалда келтирилган. Қизилмия шроти (ҚШ) кулини масс-спектрометрик таҳлил натижалари ўсимликлар учун зарур бўлган Fe, Mg, Ba, B, Mn, Ti, Cu, Zn ва Mo каби микроэлементларга бой эканлигини кўрсатмоқда.



3-расм. Қизилқум ЭФК ва Қорақалпоғистон желвакли фосфорит уни асосида аммофосфат ишлаб чиқаришнинг принципаал технологик схемаси:

1 - бак; 2 - горизонтал насос; 3 - сульфат кислота сарф баки; 4, 18, 29, 30, 31, 32, 38, 42 46, 51, 66 - индукцион сарф ўлчагичлар; 5, 9, 43 - реактор - экстракторлар; 6, 10, 44, 49, 64 - винтли аралаштиргичлар; 7 - буғлатгич-совутгич; 8, 21, 23, 25, 27, 45, 48 - ярим ботирма насослар; 9 - экстрактор; 11, 65 - горизонтал насослар; 12, 13 - сарф бункерлари; 14, 15 - шлюзли таъминлагичлар; 16, 17 - ўлчов дозаторлари; 19 - лентали филтр бункери; 20 - тасмали таъминлагич; 22, 36, 40, 63 - тўпламлар; 24, 26, 28 - филтр йиғгичлар; 33, 62 - АПС абсорберлари - 100; 34 - пуркагич; 35, 55, 67 - вентиляторлар; 37, 39, 41 - насослар; 47 - нейтраллаш реактори; 50-барботаж қувири; 52 - БГС аппарати; 53 - гидравлик форсунка; 54 - иссиқлик генератори (печка); 56 - циклон; 57 - секцияли таъминлагич; 58 - элеватор; 59 - грохот; 60 - КПС конвейер; 61 - валли майдалагич.

Оксидланиш жараёни H_2O_2 нинг 10 дан 30% гача концентрацияли эритмаларида ва ҚШ нинг H_2O_2 га оғирлик нисбати 1 : 0,1 дан 1 : 1 гача олиб борилди.

1% ли NaOH нинг 37,17% ли эритмасида экстракцияланадиган моддаларнинг энг кўп миқдори 10% ли водород пероксиди ва Шрот : H_2O_2 = 1 : 0,1 масса нисбатида, 60°C ҳароратда ва оксидланиш вақти - 2 соатда ҳосил бўлади. Бунда ЭМ миқдори 5,87% дан 37,17% гача ортади (8-жадвал).

Агар дастлабки шрот таркибида карбоксил гуруҳи миқдори 2,56 мг-экв/г, фенол гидроксил эса 3,19 мг-экв/г ни ташкил этган бўлса, оксидланган шротда бу рақамлар мос равишда 4,4 мг-экв/г ва 6,01 мг-экв/г гача, органик кислоталарда эса 6,3 мг-экв/г ва 3,29 мг-экв/г гача ошди.

8-жадвал

